



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ
ҲУЗУРИДАГИ СОЛИҚ, ВАЛЮТАГА ОИД ЖИНОЯТЛАРГА ВА
ЖИНОЙЎ ДАРОМАДЛАРНИ ЛЕГАЛЛАШТИРИШГА ҚАРШИ
КУРАШИШ ДЕПАРТАМЕНТИ БОШЛИГИНИНГ
БУЙРУҒИ

396 Лизинг хизматлари кўрсатувчи ташкилотларда жиний фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил 6 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2030-1

(2010 йил 16 ноябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси «Жиний фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонунининг 6-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президен-

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й.

тининг 2006 йил 21 апрелдаги «Молия-иқтисодий, солиқ соҳасидаги жиноятларга, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-331-сонли қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг 2009 йил 13 октябрдаги 34-сонли қарори (рўйхат рақами 2030, 2009 йил 3 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 45-сон, 485-модда) билан тасдиқланган Лизинг хизматлари кўрсатувчи ташкилотларда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Бошлиқ

З. ДҲСАНОВ

Тошкент ш.,
2010 йил 6 октябръ,
23-сон

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси
ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва
жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши
курашиш департаменти бошлиғининг 2010 йил
6 октябрдаги 23-сон буйруғига
ИЛОВА

**Лизинг хизматлари кўрсатувчи ташкилотларда жиноий
фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва
терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича
ички назорат қоидаларига киритилаётган ўзгартириш ва
қўшимчалар**

1. 9-бандда:

қуйидаги мазмундаги еттинчи, саккизинчи ва тўққизинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

«мижозлардан иш муносабатларининг мақсади ва қўзланган хусусияти, шунингдек, зарур ҳолларда пул маблағларининг келиб чиқиш манбаи тўғрисида сўраш;

мижозни лозим даражада текшириш материалларига қўшиб қўйиладиган яққол иқтисодий моҳиятга эга бўлмаган, мижознинг таъсис ҳужжатларида ёки давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳномасида назарда

тутилган мақсад ва фаолият турларига тўғри келмайдиган барча операциялар бўйича лозим даражада текшириш натижалари ва хулосаларини ёзма равишда қайд этиш;

идентификациялашни яқунлаш имкони бўлмаганда ёки лозим даражада текшириш натижаларига кўра, миждоз билан амалий иш муносабатларини ўрнатиш мақсадга мувофиқ эмаслигини кўрсатиб турадиган маълумотлар олинганда, миждоз билан битим тузишни рад этиш»;

еттинчи хатбоши ўнинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

2. Қўйидаги мазмундаги 9¹-банд билан тўлдирилсин:

«9¹. Операциялар тўғрисидаги маълумотлар зарурат туғилган тақдирда операция тафсилотларини қайта тиклаш мумкин бўлган тарзда расмийлаштирилиши лозим».

3. 10-банд қўйидаги тахрирда баён этилсин:

«10. Ходимларнинг сўнгги янгиликларга, жумладан, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришнинг ва терроризмни молиялаштиришнинг замонавий усуллари, услублари ва йўналишлари ҳақидаги ахборотга эга бўлишларини таъминлаш ҳамда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш борасидаги қонун ҳужжатлари ва мажбуриятларнинг барча жиҳатларини аниқ тушунтириб бериш мақсадида лизинг берувчилар Департамент билан келишилган ҳолда масъул ходимларни доимий равишда қайта тайёргарликдан ўтказишлари шарт».

4. 15-банднинг бешинчи хатбошисидаги «текширишга ҳақлидир» деган сўзлар «текширишга мажбурдир» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5. 18-банд қўйидаги мазмундаги ўн тўққизинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«идентификациялашни яқунлашнинг имкони бўлмаслиги ёки лозим даражада текшириш натижаларига кўра, миждоз билан амалий иш муносабатларини ўрнатиш мақсадга мувофиқ эмаслигини кўрсатиб турадиган маълумотларнинг олинishi».

6. 25-банд «миждозларни лозим даражада текшириш бўйича идентификациялаш маълумотлари ҳамда материалларини» деган сўзлардан кейин «шу жумладан, иш ёзишмаларини» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

7. Қўйидаги мазмундаги 27¹-банд билан тўлдирилсин:

«27¹. Мазкур Қоидалар, шунингдек, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича бошқа ҳужжатлар лизинг берувчиларнинг барча ходимларига етказилиши лозим».